

## СТРУКТУРАЛ МЕТОДНИНГ ТАҲЛИЛ ИМКОНИАТЛАРИ

**Озода Тоҳировна ТОҶИБОЕВА**

Доктор PhD, катта ўқитувчи

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент, Ўзбекистон

## ВОЗМОЖНОСТИ СТРУКТУРАЛЬНОГО МЕТОДА ПРИ АНАЛИЗЕ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТОВ

**Озода Тахировна ТАДЖИБОЕВА**

Доктор PhD, старший преподаватель

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Ташкент, Узбекистан

## POSSIBILITIES OF THE STRUCTURAL METHOD IN ANALYSIS OF ARTISTIC TEXTS

**Ozoda Tahirovna TAJIBAEVA**

Doctor PhD, Senior Teacher

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature

Tashkent, Uzbekistan [ozoda@navoiy-uni.uz](mailto:ozoda@navoiy-uni.uz)

UDC (УЎК, УДК): 82.09

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):**

Тоҳибоева О. Т. Структурал методнинг таҳлил имкониятлари //Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 3 (32). — Б.298—305.

<https://doi.org/10.36078/1597148890>

**Received:** June 5, 2020

**Accepted:** July 18, 2020

**Published:** July 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



**Аннотация.** Мақолада адабиётшунослик методлари ва уларнинг бадиий асар мазмунини очишдаги вазифалари хусусида фикр юритилган. Структурал методнинг бадиий асар моҳиятини аниқлашдаги самарали натижалари таҳлил этилган. Бу борада илмий изланишлар олиб борган ўзбек адабиётшунослари илмий кузатишларига таянган. Р. Бартнинг “Структурализм фаолият сифатида” мақоласи асос қилиб олинган. Асарни бутун ва қисмларга ажратиш ва уларнинг ўзаро мазмуний боғлиқлигини текшириш натижалари мисоллар орқали ёритилган. Алоҳида белгиланган қисмлар имманент таҳлил сари йўл очиши ва китобхонни ёзувчи дунёкараши, ғоявий режалари сари йўналтириши таҳлил қилинган. Алишер Навоий дostonларини таҳлил қилишда структурал методнинг имконият доираси кўрсатилган. Айни пайтда структурал методга бўлган муносабатнинг турфа хиллиги, бугунги кундаги аҳамияти каби масалаларга ҳам эътибор қаратилган. Унинг адабий таълимда Навоий асарларини тушунтиришдаги самарали натижалари кўрсатиб барилган.

**Калит сўзлари:** метод; таҳлил; структурализм; имманент таҳлил; бутун ва қисм; шакл ва мазмун.

**Аннотация.** В статье рассматриваются литературоведческие методы и их особенности при передаче содержания произведений. Дается анализ эффективности структурального метода при исследовании художественного произведения. Анализ опирается на научные наблюдения узбекских литературоведов, проводивших исследования в

данной области. В качестве основы была выбрана статья Р. Барта «Деятельность структурализма», на примерах иллюстрируются результаты разделения произведения на части, проверки и их взаимосвязь. Сделан вывод о том, что отдельные подходы открывают путь к имманентному анализу и направляют читателя к пониманию мировоззрения писателя и его идеологических планов. На примере анализа основных работ Алишера Навои показаны возможности использования структурального метода. Одновременно уделяется внимание разнообразию подходов структурального метода и его значимости в наши дни. Приведены результаты его использования при интерпретации и изучении произведений Алишера Навои.

**Ключевые слова:** метод; анализ; структурализм; имманентный анализ; целое и часть; форма и содержание.

**Abstract.** This article discusses the methods in literary criticism and their peculiarities in revealing the content of the work. The effective results of the structural method in the study of the essence of the work of art are analyzed. It is based on the scientific observations of Uzbek literary critics who have conducted research in this area. R. Bart's article "Structuralism as an activity" was chosen as the basis. The results of dividing the work into whole and parts and checking their interrelationship are illustrated on the basis of examples. It is analytically concluded that the separate sections lead to immanent analysis and direct the reader to the writer's worldview, ideological plans. Also, in the analysis of Alisher Navoi's major works, the possibilities of the structural method are shown. At the same time, attention is paid to the diversity of approaches to the structural method and its importance today. Effective results in the interpretation of Navoi's works in literary education are shown.

**Keywords:** method; analysis; structuralism; immanent analysis; whole and part; form and content.

**Кириш.** Бадиий асар моҳияти талқинлар, таҳлиллар орқали очилиб боради. Агар асарни ёзувчининг дунёқараши, мақсад-ғоялари сингдирилган, тугал якунига етган бутунлик деб ҳисобласак, талқин ва таҳлил яқунланган бутунлиқнинг кейинги яшаш даврини таъминлайди. Бадиий асар ўқувчиси бўлган китобхон мутолаа жараёнида асар ичида яшайди, қаҳрамонлар ҳаётига кўчиб ўтади, воқеа тафсилотларидан, бадиий ифоданинг нозиклигидан таъсирланади, эстетик завқ олади. Асар якунига етгандан сўнггина уни яратган даҳо ҳақида ўйлаб кўради. Ёзувчи — асар — китобхон оралиғида фаолият юритаётган адабиётшуноснинг вазифаси бу ўринда китобхон илғаб олмаган қирраларни очиш орқали асар яратувчиси бўлган ёзувчининг ижодий маҳорат қирраларини ҳам баҳолаб боришни назарда тутати.

Адабиётшунослик методологиясида бир қанча методлар борки, улар асарни текшириш функциясига кўра ўзаро фарқланади. Бадиий асар ва уни яратган ёзувчининг ижодий-ғоявий режасини имманент очиб беришга қаратилган методлардан бири структурал методдир. Ўзбек адабиётида структурал методни илмий-назарий жиҳатдан кузатиш, бадиий асарларни ўрганишга татбиқ қилиш бўйича олимлар

М. Холбеков, Ҳ. Болтабоев, А. Расулов, Б. Каримов, Д. Қуроновиқ тадқиқотлари диққатга сазовор.

Адабиёт назарияси бўйича Д. Қуроновиқ етакчилигида тайёрланган “Адабиётшунослик лугати” китобида метод ҳақидаги маълумотлар “70-йилларга келиб структурализм ўз имконларини сарфлаб бўлди, ўрнини ўзининг бағрида етишган, ўзининг давомчиси ва зидди сифатида майдонга чиққан постструктурализмга бўшатиб берди”, дея хулосаланади (11, 288). Асар тузилиши, бутун ва қисмларнинг бирикув қонуниятларини чуқур ўрганган бўлишига қарамай, тажрибада ўзини оқламаган хусусиятлари бу — бадий асарнинг эстетик таъсир кучи, адабий қимматини эътибордан соқит қилгани, метод асосчиларидан Ролан Бартнинг ўзи ҳам умрининг охирида постструктурализм томонида тургани айтилади.

Структурализм кўп йиллар хориж адабиётшунослигида амалий фаолиятда тажриба жараёнини босиб ўтди, муайян натижаларга эришилди ва хулосалар чиқарилди. Юқорида таъкидланганидек, ўз яшаш даврини босиб ўтган бўлса-да, асардан мазмун-моҳият излаш йўлида бўлган адабиётшунослар учун методнинг бир қанча афзалликлари ҳам бор. Айниқса, адабий таълимда, чекланган вақт оралиғида ҳаракат қилаётган педагог учун бутун асар мазмуни ва ундан чиқариладиган хулосани асардан танлаб олинган кичик қисм орқали тушунтириш ва ўша қисмнинг бутунликдаги ўрнини белгилаш, шу орқали ёзувчи ғояси, асардан чиқариладиган хулосани чиқаришда ижобий натижалар беради.

Структурализм методини кенгрок тушуниш мақсадида адабиётшунос олим Ҳ. Болтабоев таржимасидаги Ролан Бартнинг “Структурализм фаолият сифатида” номли мақоласидаги айрим диққатга сазовор ўринларга эътибор қаратамиз (2, 180–188).

Агар герменевтиканинг асосий таянч тушунчаларидан бири *тушуниш ва тушунтириш* сўзлари бўлса, структурал методда *белгилаш ва белгиланаётган* сўзлари етакчилик қилади. Таҳлилга киришган адабиётшунос албатта асарни тушунтириш учун муайян нуқталарни белгилаб олади. Р.Барт айтадики, “кузатиб кўрсангиз, ким *белгиланаётган* — *белгиланган* ва *синхрония* — *диахрония* иборасини қўллаётган бўлса, бундай одамда структуралистик қараш шаклланганлигини тушунасиш” (2, 182). Бу ўринда *белгиланган* ва *белгиланаётган* тушунчаси қандай жараёни англатишини кўриб ўтамыз.

Структурализм фаолиятда шаклдан мазмунга қараб боради, “асосий эътибор асарнинг нисбатан мустақиллиги ва ички анализига қаратилади” (6, 53). Муайян вазн, ҳажм ўлчови билан сўзда тикланган шаклдан моҳият излайди. Бутун асарни қисмларга ажратади ва яна қайта йиғади. Қисмни ўз жойига қўйиш асносида ундаги мазмуннинг асарни бутун қилиб тўлдиришдаги қиммати, қийматини очади. Таҳлилларда белгилаб олинган қисм алоҳида турли ракурсларда текшириб кўрилади ва қисмнинг асардаги аҳамиятига эътибор қаратилади. Бунда юқоридан қисмга тушиб келинади ва қайтиб юзага қараб чиқиб боради. Танловда қисмларнинг ҳаммасини ҳам асос қисм деб белгилаш кўзда тутилмайди. Қисмларни бириктириш

жараёнида қайсидир бири айрича аҳамиятга эга бўлиб юзага қалқиб чиқади ва ёзувчининг ғоялари беркитилган муҳим қисм сифатида белгиланади. Белгилашдан сўнг белгиланган қисм таърифланади, яъни, бу қисм асарда қандай етакчи кучга эга, қандай маъно англатади, нима учун айнан шу ўринга қўйилган, матнга қандай таъсир кўрсатяпти, ёзувчи бу билан нима демоқчи, деган саволлар орқали қисмнинг асардаги аҳамияти очилади. Бу ўринда фаолият икки хил бориши мумкин — қисмдан бутунга ёки, аксинча, бутундан қисмга, юқоридан тушиб келиш ёки ичкаридан юқорига қараб чиқиш мумкин. Қисмдан бутунга қараб чиқиб борилганда, гўёки белгилаб олинган қисм шуъла сингари бутунга нур соча бошлайди.

Асардаги муҳим нуқталарни белгилаш таҳлилчининг билими, дунёқарашига ҳам боғлиқ. Белгиланган қисмнинг асос (матрица) эканлигига ишонч белгилаётган одамнинг интеллектуал билимига боғлиқ эканлигини Р. Бартнинг ўзи айтиб ўтади: “таҳлилчи ва ижодкорларни бир умумий белги остида бирлаштираётган одам ўзи истифода қиладиган ғоялар ва унинг тили билан эмас, ўз тасаввурининг характери билан ёки тўғрироғи, тасаввур қобилияти, бошқача сўз билан айтганда, структурани қайси усулда тафаккур ва қабул қилишига” боғлиқ бўлиши жараён натижасининг самарали намоён бўлишига олиб келади (2, 183). Тушунтирувчи шахс ўзининг билим ва дунёқарашни даражасида фаолият юритади, табиийки қайси қисмни асарнинг энг муҳим нуқтаси деб белгилашда билим ва дунёқарашига таянади. Навоийнинг “Фил” ҳақидаги ҳикоятдан хулоса қилсак, ҳақиқатни ҳамма ҳар хил кўради. Ким учундир катта аҳамиятга эга қисм бошқалар учун унчалик катта аҳамият касб этмаслиги мумкин. Тасаввурлар уни қабул қилувчилар онги қадар чексиз бўлишини инобатга олган ҳолда адабиётшунослар зиммасидаги масъулият юки барибир китобхон учун аҳамиятли нуқталарни топиб, таҳлил қилиш заруратини қўяди. Сабаби пассив, ўз қарашларини шакллантириб олиш йўлидаги ўқувчига таҳлилларнинг аҳамияти катта. Адабиётшунос Қ. Йўлдошев бадий асар таҳлили жараёнида асарни аслидагидек (адекват) талқин қилиш мумкинми, деган саволни қўяди ҳамда “текширилаётган объект тўғрисида муайян даражада изоҳлаш қувватига эга бўлган холис ва ишончли билимга эгаллик” талаб қилинишини айтади (4, 326). Талқин — интерпретация герменевтика имкониятларини, жараённи англатувчи ходиса. Структурал фаолият хулосаси ҳам талқинларда ўз аксини топгани учун талқин тушунчасини қўлласак бўлади. Шу ўринда олим айтадики, “Ҳозирги адабиёт ўқитиш кечимида бадий асарга татбиқан талабаларда, ҳатто нотўғри бўлса-да, ҳуқуқ борлиги тан олиними билан бирга, ҳар қандай талқин ҳам тўғри ва бадий асар моҳиятига мувофиқ бўлавермаслигини сингдириш муҳимдир” (4, 331). Тўғри талқин китобхон ва ёзувчи орасидаги масофани яқинлаштиради. Шунинг учун бошқа касб эгалари сингари адабиётшунос ҳам яхши тайёргарлик йўлини босиб ўтган бўлиши лозим. Матнга субъектив эмас, объектив, минглаб китобхон манфаатини кўзлаган ҳолда ёндашмоғи керак.

Масалага иккинчи жиҳатдан қаралганда, герменевтика билан структурал методнинг фарқи шунда кўринадики,

герменевтика асарга матн деб ёндашади. Унниг учун қисм, бутун деган тушунчаларнинг аҳамияти йўқ. Бутун асарни матн деб олади ва тўлиғича ортига ўтишга интилади. Сабаби, матннинг ҳар бир қисмида маъно мужассам, асар тўлиғича мазмун касб этади. Агар бу қонуниятга хайрихоҳлик билан ёндашсак, структурал метод *белгилаб* олаётган *аҳамиятли*, *энг аҳамиятли* деб *белгиланган* ўринлар асардаги бошқа қисмларнинг қимматини пасайтириб қўймайдими, деган савол туғилади. Бадий асарнинг замирида ётган моҳиятдан ташқари унинг сўз санъати сифатидаги шаклий гўзаллиги, адабий-эстетик таъсир кучи ҳам борки, олимлар структурал метод этибордан соқит қилган жиҳатлар худди шунда кўринади, дейдилар. Жумладан, Алишер Навоийнинг мантиқан тугал фикрини ифодалаётган байтдаги етакчи маънонинг жозибадорлиги шеъринг либос кийгани билан янада кучли оҳанг касб этади. Бошқа жиҳатдан қаралганда, матн тузилишидаги етакчи ғояни ташийдиган қисм ёки кичик бир жумла матндаги бошқа қисмларнинг қимматини пасайтирмайди. Барча қисмларнинг асар структурасида ўзига хос ўрни, маъно кўлами, вазифаси бор, улар бири-бирини тақозо қилади. Умуман олганда, бу жараёнларни чуқур тушуниш ва уларнинг ўзаро кесишадиган нуқталарини англаш, бадий асар таҳлилига қўллаш учун адабиётшунос Д.Қуроноф кўплаб махсус адабиётларни ўқиш лозимлигини таъкидлайди.

Метод Алишер Навоий асарларига татбиқ қилинса, ҳажмнинг йириклигидан структурал фаолият йириклашиб кетиши мумкин. Бутунни қисмларга тақсимлаб, уларнинг ўзаро алоқасини аниқлаш учун “Ҳайрат ул-аброр”, “Садди Искандарий”, “Сабъаи сайёр”, “Лисон ут-тайр” дostonларининг ҳар бири катта тадқиқ объекти бўла олади. Бешликдаги дostonларнинг маъно юкига кўра жойлашиш ўрни ҳам аҳамиятли. “Ҳайрат ул-аброр”даги ахлоқий-таълимий боблар ва ҳикоятларнинг тузилиш тартиби, “Сабъаи сайёр” ҳикоятларининг асосий мазмунини очишдаги аҳамияти, “Садди Искандарий”даги фалсафий-ахлоқий боблар, асардаги Арасту билан Искандар суҳбатининг берилиш ўрни, уларнинг асар мазмунини очишдаги вазифаси, Искандар ва гадо суҳбатидан иборат кичик парчанинг бутунни англантишдаги структурал вазифаси каби масалалар олимларнинг доимо эътиборини тортган. Уларни таҳлил қилиш орқали асарнинг маъно кўламдорлигини очиб боришга интилганлар. Дostonларда Навоийнинг ғоялари беркитилган қисмни аниқлаш учун белгилайдиган муҳим ўринлар (матрица) бир қанча бўлиши мумкин. “Хамса” дostonлари таҳлили давомида олимлар Навоийнинг ижодий мақсадини акс эттирадиган шоҳ ўринларни излайдилар ва шоирнинг юксак ғояларига боғлаб имманент таҳлил қиладилар. Навоий айтмоқчи бўлган фикри қисмга беркитилган, ўша қисмни ечиб, бутунликдаги ўрни белгиланса, асарнинг аҳамиятини ошириб юбориши мумкин, деб олайлик. Мисол сифатида, “Садди Искандарий” дostonидаги сувда сув излаган балиқлар ҳикояти ўзи кичик сюжетга эга бўлса-да, асардаги энг муҳим ҳикоят сифатида белгиланади. Олим Н.Комилов “Садди Искандарий”даги ушбу ҳикоят Навоийнинг фалсафий-орифона асари “Лисон ут-тайр”нинг кичрайтирилган

версияси десак, хато бўлмас”, дея баҳо беради (7, 156). Олимнинг таърифича, ҳикоятдан чиқариладиган хулоса бутун дoston моҳиятига тегишли. “Мен сизларга шакар томирингиздан ҳам яқинроқман” дейди Аллоҳ Каломи шарифида. Демак, биз ахлоқ поклиги, имон саломатлиги, қалб уйини поклаш билан Унга яқин бўлишимиз мумкин. Аллоҳ ҳаёт манбаи. У ўз қалбида эканини сезмайдиган одамлар сув ичида ҳаёт кечириб, сув излаб юрган балиқларга ўхшайди, дейди Навоий” (7, 156). Имманент таҳлилда назарда тутилувчи адибнинг асардан кўзлаган мақсади инсон излагани ўзида, деган маъно сувда сув излаган балиқлар ҳикояси, яъни бутун асарнинг кичик бир қисмида берилган, дейиш мумкин. Кичик бир ҳикоятдан чиқариладиган ибратли хулоса бутун дoston мазмунига татийди. Дoston қаҳрамони Искандарнинг босиб ўтган йўли, албатта балиқлар ҳикоятдан кўра кенроқ ва батафсил шарҳланади. Адабий таълимда натижа кутаётган талаба учун барибир аҳамиятли ўринларни кўрсатиб ўтиш самарали натижа беради. Бунда биз олий мавжудот аталган инсон ахлоқи, у қандай бўлиши керак, қандай яшаши керак, деган кўплаб масалаларни устида фикр юритган шоир даҳосини англаб борамиз, бадиий асарнинг маърифий кучидан фойдаланган бўламиз. Имманент таҳлилда йирик дostonдаги икки шоҳ мисрани олиш ҳам мумкин. Структурал таҳлилнинг натижа кирралари кўзни ярқ этиб қамаштиради, чиқариладиган хулосадан ҳайратлантиради.

Структурал методда яна синхрон ва диахрон ёндашув мавжуд бўлиб, улар асарнинг тарихан, яратилган даврида англаган маъноси ва бугунги кундаги аҳамияти қанчалик деган маънини излар экан, бу жараёнда герменевтикадаги жараёнларга яқин келади. Талқинчи асар матни остидаги уммонга шўнғиб, унинг ўз яратилган даврида қандай маъно англаганини “бориб” билади. Бу маълумотни аниқлаб, замондоши учун юзага олиб чиқиб, тақдим этади. Диахрон тушунишдаги тарихий қиммат асарни замон (синхрон) билан боғлашни ҳам тақозо қилади. Бадиий жиҳатдан мукамал, умумбашарий ғоялар билан йўғрилган асаргина фақат ўз даврида эмас, кейинги даврларга ҳам боғлиқлик касб этади. Алишер Навоийнинг асарлари замон ва макон билмайдиган боқий асарлардир. Фақат қарашлар даврга монанд ўзгариб тургани тарихдан маълум. Ҳар бир давр матндан ўзига тегишли, ўз даври учун муҳим бўлган моҳиятни излайди. Асар яратилиб якунига етган ўзгармас матн деб тушуниш мумкин. Бироқ уни қабул қилган китобхоннинг дунёқарashi, тафаккур оламига кўра асардан чиқариладиган мулоҳазалар ўзгариб боради. Масалан, “Фарҳод ва Ширин” дostonидан ижтимоий мазмун изланган йилларда ариқ қазииш эпизоди Навоийни буюкликка кўтарган реалистик шоир сифатида ўз даври билан боғлаб талқин қилинган бўлса, бугун сув муаммосини ҳис қилиб кўрмаган китобхонни бу қисм билан таъсирлантириш қийин. Ҳозир асарнинг таъсир нуқталари бошқа. Бутун дунёда глобаллашув ҳодисаси кетаётган бир пайтда, юқори тараққиётга интилаётган инсон шоир уқтирганидек ўзидаги маҳзанни — қобилиятларини юзага чиқараётгани, бошқа томондан эса қамайиб бораётган асл инсоний хусусиятларни қайтариш учун яна Навоий асарларига



мурожаат қилинаётгани фикримизни далиллайди. Шунга кўра “адресат”ларга мўлжаллаб белгиланаётган структура ўзгариб туриши ва бу белгилловчи инсонга ҳам боғлиқ эканлиги аниқ. Асарнинг ўз даврида англатган маъноси ва бугунги кундаги аҳамиятини даврга боғлаш ҳам унинг узоқ яшаш даврини таъминлайди, янги қирралари очилиб боради.

“Шундай тарзда қурилган модул дунёни аввалдан қай ҳолда берилган бўлса, шундай шаклда қайтарадики, структуранинг моҳияти худди мана шунда”, дейди Ролан Барт (2, 186). Яъни бунда ёйилган қисмни ўз жойига қайта жойлашмиз, чунки у аввал шундай эди, худди шундай қурилган эди, биз уни кўшиб қўймадик, унинг мавжудлигини очдик, бошқаларга билдириб қўйдик. Бунда олим структурани ҳаётга боғлаб талқин қилади. Нима учун шундай қурилган, деган қурилишдан олдинги фаолиятни излаш жараёнидан постструктурализм бошланади, дейди. Энди асар яратилиш жараёнига — унга зувала олган — тайёрлаган ва қурган ёзувчининг тайёргарлик ҳолатига эътибор қаратиш зарур бўлади.

Умуман олганда, структурал методнинг имкониятларидан фойдаланиб кўриш бадиий асарни ички таҳлил қилишга олиб келар экан, талаб этиладиган “асар ичига кириш” тушунчасига бизни яқинлаштиради, десак янглишма-ган бўламиз. Асар ичига кириб бориш, соф ички таҳлил қилиш асарнинг эътибордан четда қолган қирраларини очади, уни яратган буюк истеъдодни ҳам англатишга хизмат қилади. Биографик, ижтимоий, герменевтик методлар қаторида структурал методнинг имкониятларини амалда қўллаб кўриш адабиётшуносликда ўзгача таҳлил усуллари, фикр-мулоҳаза-лар, баҳсларнинг пайдо бўлишига олиб келиши аниқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. — 184 б.
2. Барт Ролан. Структурализм фаолият сифатида // Жаҳон адабиёти. Таржимон ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. — Тошкент, 2014. — №9. — Б. 180–189.
3. Йўлдошев Қ., Йўлдошева М. Бадиий таҳлил асослари. — Тошкент: Kamalak, 2016. — 464 б.
4. Йўлдошев Қ. Бадиий асар таҳлили / Ўзбек адабий танқиди. — Тошкент: Турон-Иқбол, 2011. — 544 б.
5. Жабборов Ш. Герменевтика – тушунтириш илми. — Тошкент: Akademiya, 2010. — 152 б.
6. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. Ўқув қўлланма. — Тошкент: Муҳаррир, 2011. — 88 б.
7. Комилов Н. Хизр чашмаси. — Тошкент: Маънавият, 2005. — 320 б.
8. Навоий А. Хамса. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. — Тошкент: ЎзбФА нашриёти, 1960. — 854 б.
9. Расулов А. Структура ва структурализм / Бадиийлик — безавол янгилик. Илмий-адабий мақолалар. — Тошкент: Шарқ, 2007. — Б. 28–55.
10. Холбеков М. Структур адабиётшунослик. — Тошкент: Фан, 2014. — Б. 136.

11. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. — Тошкент: Akademnashr, 2013. — 408 б.

#### References

1. Abdugafurov A., *Bujuk beshlik saboqlari* (Great five lessons), Tashkent: Literature and Art, 1995, 184 p.
2. Bart Rolan, *Zahon adabijoti*, Translator and author of comments H.Boltaboev, Tashkent, 2014, №9, pp 180–189.
3. Juldoshev Q., Juldosheva M. *Badiij tahlil asoslari* (Fundamentals of artistic analysis), Tashkent: Rainbow, 2016, 464 p.
4. Juldoshev Q. *Uzbek adabij tanqidi* (Uzbek literary criticism), Tashkent: Turan Iqbal, 2011, 544 p.
5. Zhabborov Sh. *Germenevtika — tushuntirish ilmi* (Hermeneutics is the science of explanation), Tashkent: Academy, 2010, 152 p.
6. Karimov B. *Adabijotshunoslik metodologijasi* (Methodology of literary studies), Tashkent: Editor, 2011, 88 p.
7. Komilov N. *Hizr chashmasi* (Khizr fountain), Tashkent: Spirituality, 2005, 320 p.
8. Navoiy A. *Hamsa* (The Hamsa), Preparing for publication P.Shamsiev, Tashkent: publishing house of the Academy of Sciences of Uzbekistan, 1960, 854 p.
9. Rasulov A. *Badiijlik — bezavol jangilik* (Artistry-bezavol innovation), Tashkent: East, 2007, pp. 28–55.
10. Holbekov M. *Struktur adabijotshunoslik* (Structural literary studies), Tashkent: Science, 2014, 136 p.
11. Quronov D., Mamazhonov Z., Sheralieva M. *Adabijotshunoslik lugati* (Dictionary of literary studies), Tashkent: Akadimya publishing house, 2013, 408 p.